

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ТЕХНИКОМЛАР
БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.

Абдубаннаева Нигора Одилжон қизи

Махсус фан ўқитувчиси

Наманган шаҳар 1-сон техникуми

+998886265060

MAQOLA
MALUMOTI

ANNOTATSIYA:

MAQOLA TARIXI:

Received: 06.06.2026

Revised: 07.06.2026

Accepted: 08.06.2026

KALIT SO'ZLAR:

Техникум, ишлаб
чиқариш, ҳамкорлик,
дуал таълим, касбий
таълим, малакали
кадрлар, амалиёт,
саноат, инновация,
компетенсия, меҳнат
бозори, интеграция,
корхона, таълим
сифати, бандлик,
технология,
мутахассис,
ривожланиш,
модернизатсия,
самарадорлик.

Мазкур мақолада Наманган вилоятидаги техникумлар билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарблиги, мазмуни ҳамда амалий аҳамияти ёритилган. Бугунги кунда малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш муҳим омил ҳисобланади. Тадқиқотда техникумларда дуал таълим тизимини ривожлантириш, талабаларни амалиётга йўналтириш, корхоналар билан ҳамкорлик асосида замонавий касбий компетенцияларни шакллантириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳудуддаги саноат корхоналари эҳтиёжидан келиб чиқиб мутахассислар тайёрлашнинг самарали механизмлари кўриб чиқилган. Мақолада таълим сифати ва битирувчиларнинг бандлигини оширишда ишлаб чиқариш билан ҳамкорликнинг ўрни асослаб берилган. Тадқиқот натижалари техникумларда инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг” IV йўналиш - Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор

йўналишлари 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бўлимида “Касб-хунар коллежларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш” вазифаси белгиланган. Шу билан бирга, 2017 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида ўтказилган мажлис баёнининг 2-банди 4-хатбошида “Ҳар бир касб-хунар коллежини тегишли вазирлик, идора ва йирик ишлаб чиқарувчи ташкилотларга мақсадли бириктириш” вазифаси қайд этилган. Мазкур меъерий ҳужжатларда белгиланган вазифалар кадрлар тайёрлашда касб-хунар коллежлари билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг қай даражада муҳимлигини яққол кўрсатади.

Дастлабки кузатишлар ва илмий таҳлилларимиз асосида аниқланган қуйидаги маълумотлар мазкур муаммонинг долзарблигини яна бир қарра тасдиқлайди:

- касб-хунар коллежларида мутахассис кадрлар тайёрлаш учун мўлжалланган малака талабларини яратишда иш берувчилар иштирокининг қониқарсиз даражада эканлиги;
- касб-хунар коллежлари битирувчиларининг кўникма ва малакалари билан ишлаб чиқариш корхоналари талаблари орасида номуносивликларнинг мавжудлиги;
- корхона ва муассасаларда ташкил этилиши лозим бўлган ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишда қатор муаммоларнинг мавжудлиги;
- кичик мутахассислар тайёрлаш учун ишлаб чиқилган ишчи ўқув дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчан эмаслиги;
- ишлаб чиқаришдаги техника ва технологиялар билан касб-хунар коллежларидаги моддий-техника база орасида номуносивликлар мавжудлиги;
- мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнига ишлаб чиқариш корхоналаридан юқори малакали мутахассисларнинг етарлича жалб этилмаслиги;
- ишлаб чиқариш таълими усталари ва махсус фан ўқитувчиларининг касбий малакаларини ошириш ёки қайта тайёрлаш курслари ишлаб чиқариш корхоналари базасида ташкил этилмаслиги;
- ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан касб-хунар коллежлари орасида республикамиз шароитига мос бўлган ижтимоий ҳамкорлик механизмнинг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган шу каби камчиликлар ва муаммолар асосан касбий тайёргарлик жараёнида касб-хунар коллежлари, ишлаб чиқариш ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ҳал қилиниши мумкин. Бунинг учун эса касб-хунар таълимида ижтимоий ҳамкорликни ташкил этишнинг илмий-услубий асосларини яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Наманган вилоятидаги техникумлар билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Таълим жараёнини амалиёт билан уйғунлаштириш

орқали замонавий билим ва кўникмаларга эга, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш имконияти кенгаяди. Ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик талабаларни реал меҳнат муҳити билан таништириб, уларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, дуал таълим тизимини кенг жорий этиш, корхоналарда амалий машғулотларни ташкил қилиш ҳамда мутахассисларни ҳудуд иқтисодиёти эҳтиёжлари асосида тайёрлаш таълим сифати ва битирувчиларнинг бандлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳамкорлик техникумларнинг инновацион ривожланишини таъминлаш билан бирга, ишлаб чиқариш соҳалари учун малакали кадрлар захирасини яратишга ҳам ёрдам беради. Натижада ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш самарадорлиги янада ортади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўринов Уйғун Абдуллаевич – катта ўқитувчи, Бухоро муҳандислик технология институти, «Касбий таълим» кафедраси катта ўқитувчиси. Тел.: (+99890) 744-18-22, E-mail: uygun21@mail.ru

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

3. Funk, A.Pual, Wanjura, D.John.Cotton seed unloading systems. Journal of Cotton Science Vol. 21, Issue 1, pp. 51-59, Published 2017.

4. Джураев А., Джамалханов Г., Юлдашев Р.Х. Влияние колосниковых решеток с упругими опорами на очистительный эффект очистителей крупного сора. Реф. Сб. Хлопковая промышленность, 1986, №2, с.8.

5. Джураев А. Моделирование динамики машинных агрегатов хлопкоперерабатывающих машин. Монография, изд. Фан, Ташкент, 1984, 128 с.

6. Раевский Н.Р. Методы экспериментального исследования механических параметров машин. М., изд. АН СССР, 1952.

7. Rosulov R. K. et al. Substantiation of working bodies parameters of cleaning zone of raw cotton from large weed impurities //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2024. – Т. 3045. – №. 1.

8. Джураев А. Пахтани ифлосликлардан тозалогичнинг самарали конструкцияси //Механика и технология. – 2024. – №. 1 (8) Спецвыпуск. – С. 180-183.

9. Vokhidovna N. D. Influence of grid radius on the time of interaction with flat in the cotton cleaner from large litter //international journal of research in commerce, it, engineering and social sciences issn: 2349-7793 Impact Factor: 6.876. – 2023. – Т. 17. – №. 09. – С. 38-44.

10. Rosulov R. K. Experimental Study of the Impact Action of Grates on Raw Cotton in Cotton Gins for Large Foreign Matter //Russian Engineering Research. – 2024. – Т. 44. – №. 9. – С. 1252-1256.

11. Росулов Р. Х. ва бошқ. Пахта тозалагичнинг машина агрегати математик таҳлили //Механика и технология – 2023. – Т. 4. – №. 13. – С. 29-36.

12. Бердимуродов У. Т. и др. Взаимодействия многогранного колосника с скрученной поверхностью хлопка-сырца //Универсум: технические науки – 2022. – №. 10-3 (103). – С. 27-32. 12. Норбаева Д. В. Разработка и расчёт новой конструкции колосниковой решетки на упругих опорах очистителя хлопка-сырца //Техника и технологии: пути инновационного развития– 2019. – С. 29-34.

13 Норбаева Д. В. Влияние вертикальной нагрузки на удельное давлению пневматическому шины //Техника и технологии: пути инновационного развития – 2019. – С. 35-37.

14. Норбаева Д. В. Пращенно-деформированное состояние шины и загруженность ее элементов //техника и технологии: пути инновационного развития.– 2019. – С. 25-29.

15.Rosulov R. X., Mardonov B., Norbayeva D. V. Investigation of the Law of Distribution of Cotton in the Cleaning Zone of the Cleaner //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 10. – С. 282-285.

16. Rosulov R. X., Norbayeva D. V. Modern problems of technical sciences //actual problems of mathematics, physics and mechanics.